

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИГА КЎРА
ЖАБРЛАНУВЧИННИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҶОМИ

Эгамбердиев Ҳусан Ҳамза ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Академияси магистранти

khasan_2017@inbox.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11091073>

Аннотация. Маҷолада Ўзбекистон Республикаси жиноят - процессуал қонунчилигига мувофиқ жабрланувчи тушунчаси, маҷоми ва унинг аҳамиятини тадқиқ қилиши орқали жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини процессуал кафолатларини таъминлаш ҳамда уни кенгайтириши масалалари ритилиши билан бирга ўрганилиши лозим бўлган мавжуд муаммоли ҳолатлар баён этилган.

Калим сўзлар: Жабрланувчи, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар, маънавий зиён, ақли норасо шахс, жиноят-процессуал қонунчилиги.

**PROCEDURAL STATUS OF THE VICTIM UNDER THE LEGISLATION OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Abstract. In accordance with the criminal procedural legislation of the Republic of Uzbekistan, the existing problem situations that should be studied along with the issues of ensuring the procedural guarantees of the protection of the rights and legal interests of the victim in the criminal process by researching the concept, status and its importance are described.

Key words: Victim, rights and legal interests, moral damage, mentally retarded person, criminal-procedural law.

**ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ СТАТУС ЖЕРТВЫ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Аннотация. В соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан путем исследования выявлены существующие проблемные ситуации, которые подлежат изучению наряду с вопросами обеспечения процессуальных гарантий защиты прав и законных интересов потерпевшего в уголовном процессе. Описано понятие, статус и его значение.

Ключевые слова: Потерпевший, права и законные интересы, моральный вред, умственно отсталый человек, уголовно-процессуальный закон.

Сўнги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби Жиноят-процессуал қонунчилигига, жумладан, мазкур соҳадаги жабрланувчи институтига ва жабрланувчининг ҳуқуқий маҷоми ҳамда унинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мазкур институтнинг доимий равишда такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра **жиноят процесси иштирокчилари** деб жиноят ишларини юритиш учун қонунда белгиланган тартибда муайян бир функцияни бажаришга йўналтирилган ва қонун билан белгиланган ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлган орган, мансабдор шахс ва фуқароларга айтилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда “процесс иштирокчилари” атамасига жуда кенг тушунча берилиб, у процессда иштирок этувчи барча шахсларни қамраб олади. Ҳар бир процесс иштирокчисининг олдида турган вазифалар ҳамда улар бажарадиган процессуал вазифасининг хусусияти бу иштирокчига бериладиган ҳуқуқлар ва уларга юклатиладиган мажбуриятлар хажмида ифода этиладиган ҳуқуқий ҳолатни (ҳуқуқий мақомни) белгилайди¹.

Ҳозирда иштирокчилар мақоми деганда жиноят-процессуал қонунчилигига мустаҳкамлаб қўйилган гумон қилинувчи ва айбланувчи, жабрланувчи ва ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, уларнинг вакилларининг жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиши босқичидаги ҳолати тушунилади².

Жабрланувчининг процессуал мақоми тушунчаси хусусида сўз юритадиган бўлсак, мазкур муаммони тадқиқ этган олимлар ўртасида яқдил фикр мавжуд эмаслигини қайд этиш лозим. Шу нуқтаи назардан қуйида фақат уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, В.П.Божьевнинг фикрига кўра, жиноят-процессуал ҳуқуқида жабрланувчи деганда жиноят оқибатида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрган ёхуд шундай зарар етказилиши мумкин бўлган муомалага лаёқатли фуқаро тушунилиши лозим³.

Бизнинг фикримизча, В.П.Божьев томонидан берилган таърифга қисман қўшилиш мумкин, чунки мазкур таърифда фақат муомалага лаёқатли фуқаро жабрланувчи сифатида эътироф этилиши мумкин деб кўрсатилган. Ушбу таърифдан шундай хулоса қилиш мумкинки, унга кўра вояга етмаган шахс ёки суд томонидан муомалага лаётқатсиз деб топилган шахслар жабрланувчи бўлиши истисно этилади. Шу нуқтаи назардан мазкур таърифга тўла қўшилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасига кўра, жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши, бундай шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқариши белгиланган.

Бундан ташқари жабрланувчига А.Д.Бойков қуйидагича таъриф берган: “Жабрланувчи – жиноят оқибатида қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилган ҳамда дастлабки тергов ёки суд томонидан жиноят иши бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади”⁴.

Бошқа процессуал олимлардан фарқли равишда Л.В.Брусницын жабрланувчи тушунчасига қуйидагича таъриф беришни таклиф этган: “Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган, шу билан бирга бундай қилмишларга тайёрланиш ёки уларга суиқасд қилиш

¹ Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув кўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2007. -160 б.

² Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе. // Юридик фан ном. дисс. – Тошкент.: 2010 г. –28 б.

³ Божьев В.П. Потерпевший в уголовном процессе. // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Москва.: 2003г. - С.4.

⁴ Бойков А.Д. Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе 1990-1996 гг. // - Москва.: 1997 г. 182 б.

натижасида шундай заарар етказилиш таҳди юзага келган жисмоний ва юридик шахслар жабрланувчи деб топилади”⁵.

Албатта, бугунги кунда юридик фанда баён этилган жабрланувчи тушунчасига доир барча таърифлар мавжуд бўлишга ҳақли, бироқ шу билан бирга, мазкур ҳолат қонунчиликда ушбу тушунчани қатъий мустаҳкамлаб қўйишда муайян қийинчиликлар юзага келтириш мумкин.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал ҳуқуқи назарияси ва амалиётида қуйидаги масалалар хусусида ҳам яқдил ёндашув мавжуд эмас:

- “юридик шахс”ларни жабрланувчи деб ҳисоблаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда;

- жиноятга суиқасд қилинган ҳолатларда жабрланувчи деб топиш мумкинлиги масалалари ҳам яқдил тўхтамга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасига мувофиқ, уч турдаги заарар, яъни маънавий, жисмоний ва мулкий заарлар шахсни жабрланувчи деб топишда жиноий-ҳуқукий асос бўлиши мумкин. Бунда қайд этилган ушбу заарларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ёхуд бир неча заарар тури бир вақтда юзага келган бўлиши мумкин. Мазкур ҳолат шахсни жабрланувчи деб топиш ҳолатига дахл қилмайди.

Жисмоний заарар дейилгандан, баданга шикаст етказилиши билан бир қаторда, унинг ҳаёти ва соғлигига етказилган бошқа заарар (жисмоний азобланиш, соғлиқнинг бузилиши ва ҳ.к.) ҳам тушунилади.

Мулкий (моддий) заарар деганда, шахсни унга тегишли бўлган обьектлар (неъматлар)дан маҳрум қилиш тушунилади.

Жисмоний ва мулкий заарар тушунчаларини таҳлил қилишда ҳеч қандай мураккаблик юзага келмайди. Шу билан бирга, шахсни жабрланувчи деб эътироф этишда алоҳида бир мустақил асос сифатида маънавий заарар тушунчаси юридик фанда кўп ийлардан бери мунозарали бўлиб қолмоқда.

Хусусан, П.В. Ильин маънавий заарар деганда, яқин одамнинг ўлими оқибатида келиб чиқсан азоб тушунилишини баён этган⁶. Ҳуқуқшунос Р.Д.Рахуновнинг фикрича, маънавий заарар жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситиш оқибатида келиб чиқади⁷.

Бошқа бир гурӯҳ олимлар, жиноят оқибатида маънавий заарар кўрган шахслар доирасини аниқ белгилаб олиш имкони мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, фақат жисмоний ёки мулкий заарар етказилган шахсларни жабрланувчи деб эътироф этиш лозим деган ёндашувни илгари сурғанлар. Айни вақтда, ушбу ёндашув орқали мазкур олимлар жиноят оқибатида заарар кўрган (фақатгина маънавий заарар етказилган шахслар хусусида сўз бормоқда) одамларнинг катта гурӯҳини ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконидан маҳрум қилганлар.

⁵ Брусницын Л.В. Потерпевший: уголовно-процессуальные аспекты // Государство и право. – Москва.: 1995г. – 9-сон. 70 б.

⁶ Ильин П.В. Процессуальное обеспечение прав потерпевшего в досудебном производстве Дисс. Канд. юрид. наук. – Москва., 2015 й. – С.24.

⁷ Гальперин И.М. Об уголовном преследовании, осуществляемом потерпевшим // Сов. государство и право. 1997г.10-сон. 50 б; Рахунов Р.Д. Расширение прав потерпевшего // Соц. законность. 1990й. 4-сон. 37 б.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жиноят қонунчилиги жиноят содир этилиши оқибатида етказилган ҳар қандай зарарни эмас, балки жиноят оқибатида, ёки унга суиқасд қилиш орқали бевосита келиб чиққан зарарни муҳофаза қиласди. Шу жиҳатдан, “зарарнинг ҳақиқатда юзага келганлиги ёхуд келмаганлиги аҳамиятга эга эмас, балки унинг ҳақиқатда келиб чиқиш таҳдидининг мавжудлиги муҳим ҳисобланиши” хусусидаги ёндашувга тўла кўшилиб бўлмайди.

Шунингдек, В.М.Савицкий ва И.И.Потеружалар жиноятчининг ҳаракатлари шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмаган бўлса, унга хеч қандай зарар келтирмаган бўлса, у жабр кўрмаган бўлса, бундай шахс жабрланувчи бўлиши мумкин эмас деган фикрни илгари суриси, Ўз-ўзидан, бундай шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш келгусида уларнинг иштирокидаги процессуал ҳаракатларни самарасиз бўлиши билан бир қаторида, ушбу шахслар, тергов органи ва суд учун ортиқча машғулот бўлишини таъкидлайди.

Бошқа бир гуруҳ олимлар, жиноий тажовуз, шу жумладан унга суиқасд қилиш ва тайёргарлик қилиш учун жавобгарликни бегловчи моддий ҳуқуқ нормаларига ҳавола қилган ҳолда, жабрланувчининг судда ҳимояланишга бўлган процессуал ҳуқуқларидан маҳрум қилиш асосининг йўқлиги тўғрисида хулоса қиласидилар⁸. Мазкур ёндашувни қўллаб қувватлаган ҳолда, С.А.Шейфер ва В.А.Лазаревалар ҳам бир қатор мамлакатлар, шу жумладан Венгрия ва Польша давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига асосланадилар. Мазкур давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигига қўра, жиноят оқибатида ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказилган шахслар билан бир қаторда, ушбу ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши таҳди юзага келган шахслар ҳам жабрланувчи ҳисобланадилар⁹.

Шу билан бир қаторда, айрим процессуалист олимлар таъкидлашича, жиноятга суиқасд қилиш ёхуд унга тайёргарлик қўриш зарар келтирувчи қилмиш ҳисобланади. Зоро, жиноий тажовуз оқибатида инсон ҳаёти, соғлиги, мулки ва шахсий ҳуқуқлари муайян хавф остида қолдирилади ва бундай хавфнинг юзага келиши зарар деб баҳоланиши лозим¹⁰.

Ушбу ёндашув тарафдорларидан бири бўлган П.С.Янининг фикрича, жабрланувчига жиноий тажовуз вақтида моддий зарар етказилмаганлиги, яъни тажовуз оқибатида шахсга тан жароҳати етказилмаганлиги ёки мол-мулк ўғирланмаганлиги оқибатида зарар келиб чиқмаганлиги ушбу шахсга бошқа тавсифга эга номоддий зарар етказилмаганлигини англатмайди. Бундай зарарни руҳий тавсифга эга зарар сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир¹¹. Яъни, тадқиқотчи бундай ҳолатда руҳий зарарнинг мавжудлиги шахсни жабрланувчи деб эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозимлигини таъкидламоқчи бўлган.

⁸ Ларин А.М. Защита прав потерпевшего в уголовном процессе. // Российская юстиция. – Москва.: 2003 г. 1-сон. 59 б.

⁹ Шейфер С.А., Лазарева В.А., Право потерпевшего. //Государство и право. – Москва.:1995 г. 2-сон.152 б.

¹⁰ Савинов В.Н. Потерпевший в уголовном процессе (сравнительно-правовое исследование). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Харьков, 2008 й. 6 б. Булатов В.А. Обеспечение следователем прав, законных интересов и безопасности потерпевших и свидетелей: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Волгоград.:, 2009 г. – 13 б.

¹¹ Янн П.С. Обеспечение прав потерпевшего в уголовном судопроизводстве. // Российская юстиция. – Москва.: 2009 г. 5-сон. 14 б.

Юқорида таҳлил этилган ёндашувга қарама-қарши қараш вакиллари фикрича, жабрланувчи жиноят процессида фақат жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши оқибатида муайян зарар (масалан, ўғирлик жиноятига суиқасд қилиш ҳолатида, жиноятчи ўзининг жиноий хатти-харакатларини охирига етказа олмаган, яъни мол-мулкни тўла қўлга кирита олмаган бўлсада, бироқ ушбу мулкка муайян шикаст етказган бўлса) етказилган тақдирда иштирок этиши мумкин бўлади. Қайд этилган ҳолатларда суиқасд оқибатида зарар етказилмаган бўлса, бундай шахсни жабрланувчи деб эътироф этиб бўлмайди¹² деб таъкидлашади.

Баён этилган ёндашув тарафдорларидан бири В.Дорохов қайд этилган фикрларни асослаш учун қўйидагича фикрни баён этади: “...жиноий жавобгарлик жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятига кўра мазкур хатти-харакатларни содир этишга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилиш босқичида юзага келади, бироқ жиноят ишига шахсни жабрланувчи сифатида иштирок этишга жалб этиш учун, қилмишнинг ижтимоий хавфли бўлиши кифоя қилмайди, балки ушбу шахсга зарар етказилган бўлиши тақозо этилади. Бундан келиб чиқадики, шахснинг жиноятга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилганлик учун айбланувчи сифатида жалб қилиниши, ҳар доим ҳам тажовуз обьекти бўлган шахснинг жабрланувчи сифатида эътироф этилишига олиб келмайди¹³. Ушбу фикрни В.А.Дубривный қўллаб қувватлаб, қўйидаги фикрни баён қилган: жиноятга суиқасд қилиш шахсга зарар келтириб чиқармаган бўлса, бундай шахс иш бўйича жабрланувчи деб эътироф этилиши мумкин эмас¹⁴.

Л.В.Батищеванинг фикрича, “...ўзига нисбатан жиноий тажовуз содир этилаётганлигини англаб етган шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилиши лозим”¹⁵.

Аммо, биз мазкур ёндашувга тўла қўшила олмаймиз. Зеро, фикримизча, шахс унга нисбатан жиноий тажовуз қилинаётганлигидан хабардор бўлганлиги, иш бўйича уни жабрланувчи деб топилиши ёки топилмаслиги учун мезон бўлиши мумкин эмас. Жабрланувчи унга нисбатан жиноий тажовуз содир этилганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан (хусусан, айрим ҳолларда жиноят содир этилгандан узоқ вақт ўтгандан сўнг) хабар топиш ҳолатлари амалиётда кўплаб учраб туради.

Исталган оқибатларни келтириб чиқармаган бўлсада, фош этилмаган жиноят тақороран содир этилиши мумкин. Шу жиҳатдан, тажовуз обьекти бўлган шахс, ҳатто унинг соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилмаган бўлсада, жиноятнинг очилиши, айборнинг фош этилиши ва жазоланишидан манфаатдор бўлиши лозим. Мазкур манфаатини самарали амалга ошириш учун ушбу шахсга муайян ҳуқуқлар берилиши тақозо этилади ва қонун нормалари билан жабрланувчига бундай ҳуқуқлар тақдим этилган. Шу боис, бундай шахс жиноят ишида жабрланувчи сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, бу

¹² Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе. // Юридик фан ном. дисс. – Тошкент.: 2010 г. 33 б.

¹³ Дорохов В. Основания признания лица потерпевшим // Сов. юстиция. – Москва.: 2006 г. 14-сон. 9 б.

¹⁴ Дубривний В.А. Потерпевший на предварительном следствии.// Учебное пособие. Москва. 1998 г.17 б.

¹⁵ Батищева Л.В. О признании лица потерпевшим при покушении на преступление // Проблемы совершенствования предварительного следствия и прокурорского надзора за соблюдением законов органами дознания и предварительного следствия. - Москва., 2002 г. 58 б.

тергов органлари ва суд учун ҳам юқори самарага эга бўлиб иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга, уларга яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз¹⁶.

Биз, “хукуклари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилинган шахслар, жиноий қилмиш оқибатида унга зарар етказилганлиги ёки етказилмаганлигидан қатъий назар, жабрланувчи деб топилиши лозим” мазмунидаги ёндашувни илгари сурган процессуал олимлар фикрини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Тожикистон Республикаси ЖПКсининг 42-моддаси биринчи қисмида айнан шундай тартиб белгиланган бўлиб, унга кўра “ёши, руҳий ёки жисмоний ҳолатидан қатъий назар, жиноят оқибатида жисмоний, моддий, маънавий зарар етказилган шахс, шунингдек, жиноятга суиқасд қилиш орқали хуқуқ ва манфаатлари бевосита таҳдид остида қолган шахс ҳам жабрланувчи деб эътироф этилади”¹⁷.

Тугалланмаган жиноятларнинг ижтимоий хавфи шунда намоён бўладики, уларнинг содир этилиши билан жиноий оқибат келиб чиқиш хавфи мавжудлиги билан бир қаторда, жиноятга суиқасд қилиш қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказади. Жиноятга суиқасд қилиш оқибатида жисмоний ва мулкий зарар келиб чиқиши таҳдидининг мавжудлигини англаш шахсга муайян маънанвий зарар етказади ва айни шу асос ушбу шахсни жиноят ишида жабрланувчи деб топиш учун асос бўлади.

Г.Абдумажидов “...ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятларга суиқасд қилиш оқибатида шахсга маънавий зарар етказилади” деб баён этган. Агар шахс ушбу тажовуз ҳақида олдиндан хабардор бўлмасада, бу ҳақда кейинчалик унга маълум бўлади. Суиқасд ҳақида бошқа шахслар ҳам билиши ёки кейинчалик хабар топиши мумкин. Жиноят содир қилган шахс билан якка курашга киришган ва жиноятнинг олдини олган шахсларни жабрланувчи деб топилмаслиги хато ҳисобланади. Қонун бундай шахсларни суд муҳокамасида жабрланувчи сифатида иштирок этиш имкониятидан маҳрум этмайди ва маҳрум этмаслиги лозим¹⁸.

Юқорида баён этилганларага асосан, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки унга суиқасд қилиш қаратилган, аммо бунда ҳақиқатда зарар етказилмаган шахсларни ҳам жабрланувчи деб топиш масаласини қонун нормаси билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддаси биринчи қисмини қуидагича баён қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда ёхуд ҳақиқатда маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилиши хавфи мавжуд бўлган ҳолатда бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

¹⁶ Танцерев М.В. Потерпевший и его функция в уголовном процессе России. Дисс. Канд. юрид. наук. - Томск, 2011 г. – С.24.

¹⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан. 2009 й. (2019 йилгача бўлган ўзgartiriшлар билан) <http://base.spinform.ru> //

¹⁸ Абдумажидов Г.А. Расследование преступлений (Процессуально-правовое исследование) – Тошкент.: Ўзбекистон. 1986 г. – С.92.

REFERENCES

1. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув кўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2007.
2. Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе. // Юридик фан ном. дисс. – Тошкент.: 2010 г..
3. Божьев В.П. Потерпевший в уголовном процессе. // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Москва.: 2003г.
4. Бойков А.Д. Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе 1990-1996 гг. // - Москва.: 1997 г.
5. Брусицын Л.В. Потерпевший: уголовно-процессуальные аспекты // Государство и право. – Москва.: 1995г. – 9-сон.
6. Ильин П.В. Процессуальное обеспечение прав потерпевшего в досудебном производстве Дисс. Канд. юрид. наук. – Москва.:, 2015 й.
7. Гальперин И.М. Об уголовном преследовании, осуществляемом потерпевшим // Сов. государство и право. 1997г. 10-сон. 50 б; Рахунов Р.Д. Расширение прав потерпевшего // Соц. законность. 1990й. 4-сон.
8. Ларин А.М. Защита прав потерпевшего в уголовном процессе. // Российская юстиция. – Москва.: 2003 г. 1-сон.
9. Шейфер С.А., Лазарева В.А., Право потерпевшего. //Государство и право. – Москва.:1995 г. 2-сон.
10. Савинов В.Н. Потерпевший в уголовном процессе (сравнительно-правовое исследование). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Харьков, 2008 й. 6 б. Булатов В.А. Обеспечение следователем прав, законных интересов и безопасности потерпевших и свидетелей: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Волгоград.:, 2009 г.
11. Янн П.С. Обеспечение прав потерпевшего в уголовном судопроизводстве. // Российская юстиция. – Москва.:, 2009 г. 5-сон.
12. Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе. // Юридик фан ном. дисс. – Тошкент.: 2010 г.
13. Дорохов В. Основания признания лица потерпевшим // Сов. юстиция. – Москва.: 2006 г. 14-сон.
14. Дубривный В.А. Потерпевший на предварительном следствии.// Учебное пособие. Москва. 1998 г.
15. Батищева Л.В. О признании лица потерпевшим при покушении на преступление // Проблемы совершенствования предварительного следствия и прокурорского надзора за соблюдением законов органами дознания и предварительного следствия. - Москва.:, 2002 г.
16. Танцерев М.В. Потерпевший и его функция в уголовном процессе России. Дисс. Канд. юрид. наук. - Томск, 2011 г.
17. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан. 2009 й. (2019 йилгача бўлган ўзгартиришлар билан) <http://base.spinform.ru/>
18. Абдумажидов Г.А. Расследование преступлений (Процессуально-правовое исследование) – Тошкент.: Ўзбекистон. 1986 г.